



Республика
болалар ижтимоий
мослашуви маркази
Самарқанд
минтақавий
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги
болалар ва уларнинг оилаларига
мажмуавий ёрдамнинг самарали
моделли – уларнинг жамиятга
ижтимоийлашувини таъминлаш
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

ТОПИШМОҚЛАР ВОСИТАСИДА БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ

- **Х.Музаффарова,**
Дефектология кафедраси ўқитувчиси,
- **Ў.Ҳайдарова,**
ЖДПИ, талаба

Болаларнинг тили чиққанидан бошлаб, уларнинг ўз нутқларида фойдаланаётган сўзлар тез кўпая бошлайди. Айни бир ёшдаги болаларда сўз бойлиги турлича бўлади. Масалан, баъзи психологларнинг қилган ҳисобларига қараганда, икки яшар болаларнинг сўз бойлиги 250-400 тагача сўзга етади, болалар етти ёшга етганларида улардаги сўз бойлиги 3000-3500 тагача боради. Теварак-атрофдаги одамлар билан доимий гаплашиб туриш шароитида тарбияланган болаларнинг нутқидаги сўз бойлиги икки яшар чоғида 285 тага, уч яшар чоғида эса 2050 тага етади.

Боланинг умумий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, оғзаки нутқи ҳам шунчалик яхши ривожланган бўлади. А.В.Запорожец нутқнинг умумий тушунчасини ифодалаб унинг функционал йўналганлигини таъкидлаган ҳолда – нутқ фикрлар алмашишга, ўзаро тушунишни амалга оширишга хизмат қилади, дейди. У нутқнинг сифат ўзгаришларини, тафаккурнинг ривожланиши, хусусан, кўрғазмали амалий тафаккурдан мулоҳаза юритувчи, мантиқий тафаккурга ўтиш билан боғлайди.

Қадимда бир донишманддан:

- Инсоф нима? – деб сўрадилар.
- Инсоф – одам ўзига нимани раво кўрса, бошқа кишига ҳам шуни раво кўришдир, – деб жавоб берди донишманд.
- Энг яхши одам ким?
- Ақлли одам.
- Қандай кишини ақлли одам десак бўлади?
- Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.
- Билимни нима билан безайди? Шижоатни-чи, сахийликни-чи? – деб сўрадилар.
- Билимни – тўғрилиқ, шижоатни – афв қилишлиқ ва сахийликни очиқ юзлиқ ва ширин сўзлиқ безайди.
- Инсоннинг ҳаётда энг муҳим орзу – тилаги нималардан иборат?
- Сихат-саломатлик, фаровон турмуш ва хотиржамлик.

Бутун таълим-тарбия мана шунга қаратилмоғи керак. Бу йўлда бой ва ранг-баранг халқ оғзаки ижодига суяниб иш кўриш, шубҳасиз, ҳам ота-оналар учун, ҳам болалар учун чек-чегарасиз ютуқлар гарови ҳисобланади. Зеро, инсон оламга келиши билан алла эшитади. Алла кўшиққа, кўшиқ эса эртак, мақол, масал, ривоят, топишмоқ, тез айтишга уланиб кетади. Буларнинг ҳаммасини замирида инсон – бола тарбияси ётади. Бола улғайгани сари ўзи ҳам алла-кўшиқ айтади. Эртак, мақол, масал, ривоят, топишмоқ тинглайди ва айтади. Шулар қанотида ўсиб-улғаяди. Демак, халқ оғзаки ижоди бола камолотида асосий воситалардан бири ҳисобланади [1].

Мактабгача таълим катта ёшдаги болалар луғат бойлигини илмий-методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, улар мактабга бориш вақтида амалда тилнинг грамматик ва синтактик шакллари тизимини эгаллаган бўлишларига қарамай, нутқи етук бўлмайди. Бола луғат захирасининг камбағаллиги фақатгина унинг фаол нутқида кўпгина лексик – грамматик категориялар йўқлигидан эмас, балки сўзларни нотўғри қўллаш, уларнинг турли маъноларини ҳамда кўчма маъноларини нотўғри тушунишдан иборат.

Таълим жараёнида болалар билан жонли ва узвий мулоқот жуда зарур. Тарбиячи билан болалар ўртасида катта оралиқ масофа мавжуд бўлган ҳолатларда педагог имкон даражасида барча воситалар ёрдамида бу масофани қисқартиришга ҳаракат қилиши, ҳар бир боланинг ёнига бориш ва улар билан тушунарли тилда сўзлашиши лозим. У нафақат тил воситалари ёрдамида, балки ёқимли табассум, илиқ назар, жалб қилувчи талаффуз ёрдамида амалга оширилиши лозим. Қачонки, тарбиячи болаларни чуқур ҳурмат қилмас экан, ўртадан сунъийликни олиб ташламас экан,

болалар машғулотнинг тезроқ тугашини орзу қилиб ўтирадилар. Ҳиссий кечинмаларсиз, тарбиячи билан болалар ўртасидаги дўстона муносабатларсиз, қизиқишсиз таълимда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Янги ўқув материали нафақат тушунарли бўлганида, балки у чуқур ҳис қилинган тақдирдагина бола тўлақонли, мустақил билим олди, дейиш мумкин. Моҳирона берилган янги билимлар болалар қалбида қувончли ҳаяжон ҳисларини уйғотиши лозим.

Бизнинг мактабгача таълим муассасаларидаги кузатишларимиз шуни кўрсатадики, болалар учун атроф-муҳитдаги мавҳум тушунчалар, масалан, йил, ой нима эканлиги ҳақидаги топишмоқларни топиш қийинлик қилади. Энг мураккаби кинояли топишмоқлар ҳисобланади. Улар топишмоқнинг асл моҳиятини тушунмаганлиги сабабли нотўғри жавоб берадилар. Топишмоқнинг фақат ташқи, яққол жиҳатини идрок қиладилар, кўчма маъноларини кўра билмайдилар, бадиий образни ҳис қилмайдилар, қочиришларни тушунмайдилар.

Топишмоқлар айтиш, эшитиш ҳамisha мактабгача таълим ёшидаги кичкинтойларнинг эзгу ниётлари билан ҳамоҳанг бўлган. Ҳар бир топилиши керак бўлган жумбоқ – бу давр болаларини ҳам ўйлашга, фикр юритишга, ўзларига хос йўсинда изланишга, сезгир, жиддий, топқир бўлишга нисбатан майлларини уйғотган. Чунки кўп предметли топишмоқлар боғча болалари учун янада қизиқарли бўлган. Бу ҳолни бутун мамлакатимиз бўйлаб болаларига, набираларига, қўшни болакайларга алла-қўшиқ, эртақ, мақол, топишмоқ айтиб бериб юрган ота-оналар, буви-боболар, маҳалла эртақчилари ҳузурда бўлганимизда аниқ сездик. Бу иш ўз-ўзидан ёки бирданига кўнгилдагидек чиқмайди. Тинимсиз изланиш, болакайларни қизиқтириш, уларни топқирликда бир-бирларига ўрнак, ибрат қилиб кўрсатиш туфайли эришилади. Болаларнинг боғланишли нутқини ўстиришни муваффақиятли ўзлаштириб олишлари нафақат объектив, балки субъектив шарт – шароитларга ҳам боғлиқдир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳиссийёт омили фикрлаш жараёнига тааллуқлидир. У ахборотни ишлаб чиқиш жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун зарур. Инсоннинг фикрлаши алоҳида мотив ва эҳтиёжларга эга.

Товушлардаги камчиликларни бартараф этишда биз, асосан, анъанавий бўлган тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиб келамиз. Шубҳасиз, улар болаларга хушқайфият ва тетиклик бағишлайди. Бундан ташқари, болаларга берилган логопедик топшириқларни осон ва эркин бажаришлари учун қулай шароит яратиш беради. Логопедик машғулотлар ва ўйинларда тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан кенг фойдаланиш натижасида болаларнинг нутқи ўсади, равон бўлади, оҳанг тўғри шаклланади. Миллий адабиётимиз намуналари бўлмиш санама, чорлашма, қиқиллама, айтишув, чеклашмачоқ, айтишма ўйин ва яраштиргич каби халқ оғзаки ижоди, нафақат боланинг нутқини ўстиришда, балки уларни миллий урф-одатларимиз, гўзал анъаналаримиз асосида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш ва ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Жумабоев М. Топишмоқларнинг илмий-таълимий аҳамияти. – Т., 2000.

БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

- **Х.Музаффарова,**
ЖДПИ, Дефектология кафедраси ўқитувчиси,
- **Ж.Ҳақбердиев,**
Дефектология йўналиши магистранти

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабга психологик тайёргарлик доимий ҳисобланмайди, балки у доимо ўзгариб, бойиб боради. Психологик тайёрликнинг таркибий жиҳатлари: интеллектуал (ақлий), маънавий ва иродавий тайёргарликдан иборатдир. Аксарият ҳолларда боланинг ақлий ри-